

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017/К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВА КАРОМАТХОН МАХМУДЖОНОВНА**

**БУҒДОЙНИНГ ЎСИШ-РИВОЖЛАНИШИГА СТЕРОИД ТАБИАТЛИ  
БИРИКМАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Исмоилова Кароматхон Махмуджоновна**

Буғдойнинг ўсиш-ривожланишига стероид табиатли бирикмаларнинг таъсири.....3

**Исмоилова Кароматхон Махмуджоновна**

Влияние стероидно-природных соединений на рост –развитие пшеницы.....22

**Ismoilova Karomatkhon Maxmudjonovna**

The influence of steroidogenic natured compounds on the growth and development  
of wheat.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017/К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВА КАРОМАТХОН МАХМУДЖОНОВНА**

**БУҒДОЙНИНГ ЎСИШ-РИВОЖЛАНИШИГА СТЕРОИД ТАБИАТЛИ  
БИРИКМАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/В61 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Али Ахунович Ахунов**  
биология фанлари доктори, профессор

**Саидғани Мухтарович Набиев**

биология фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалар кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru)).

Автореферат 2018 йил \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Салихов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**М.И.Асраров**

Илмий даражалар берувчи  
бир марталик илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

**Ш.У.Турдикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги бир марталик илмий  
семинар раиси, б.ф.д.,доц

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кунда ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим стратегик аҳамиятга эга. Шунга кўра қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва ҳосили сифатини ошириш фан олдидаги муҳим масалалардан биридир. Ушбу йўналишдаги мавжуд муаммо ечимини топишдаги асосий мақсад ўсимликнинг ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда ўсиш-ривожланишини идора этувчи ва биостимуляторлик хусусиятига эга бўлган янги физиологик фаол моддаларни аниқлаш ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон бўйича қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ёки синалаётган кимёвий препаратларнинг жуда катта миқдори (стимуляторлар, гербицидлар, ретардантлар ва бошқалар) мавжуд. Уларнинг ўсимликлар организмга таъсир даражасини ҳамда ташқи омиллар таъсири ва ўсимликларни етиштириш технологияси билан боғлиқ ҳолдаги хусусиятларини аниқлаш талаб этилади.

Дунёнинг йирик тадқиқот марказларида табиий физиологик фаол моддаларнинг таъсир этиш механизминини аниқлаш асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига юқори таъсир этиш хусусиятига эга бўлган препаратлар яратилган. Бу препаратларни ишлаб чиқаришда қўллаш ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва ташқи стресс омилларга чидамлилигини ошириш имкониятини берган

Мамлакатимизда бугунги кунда ўсимликларнинг экологик хавфсиз маҳсулотларини етиштиришда илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Бу борада буғдойнинг ўсиш-ривожланишини табиий бирикмалар, жумладан, стероид табиатли бирикмалар ёрдамида бошқариш бўйича янги авлод препаратларини яратилиши йўналишида тадқиқотлар олиб борилган. Табиий бирикмалар асосида янги авлод препаратларининг яратилиши, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган муҳим инновацион ишланмалар сифатида ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини ошириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони<sup>1</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури тўғрисида»ги 142-сон қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ҳамда мазкур

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

фаолиятга тегишли белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ёки синалаётган кимёвий препаратларнинг ўсимликлар организмига ва генотипига таъсир даражасини тадқиқ қилиш алоҳида вазифалардан ҳисобланади.

Шунга кўра охириги йилларда ўсимликларни ўсиш-ривожланишида ташқи омиллар ва улар таъсирини физиологик фаол моддалар ёрдамида бошқариш Австралия (Sergey Shabala ва б., 2009, Leonard ва Szabo, 2005), Япония (Takeuchi et. al 1992, Hirai, 1991, Kamuro, 1992, Kondo, 1996), Англия (Glastron, 1999), Қурғоқчил ерларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA), БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO) каби халқаро ташкилотларда ҳамда қатор олий таълим муассасаларида, жумладан, Вашингтон давлат университети (АҚШ), МДХ давлатларида (Н.Л.Радюкина ва б., 2009, Ф.М.Шакирова, 2001, 2006, П.К.Кинтя, 1993) олиб борилган тадқиқотлар натижаларида ўз аксини топган. Шунингдек, МДХ мамлакатларида стероидли гликозидларнинг ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, сув алмашинуви ҳамда фотосинтез ва нафас олиши, ҳосилдорлиги, патоген ва ташқи экстремал омилларга чидамлилигига таъсири каби физиологик хусусиятлари А.Г.Жакотэ (1993,1997), А.Ф.Кирилов (2002, 2008), Г.В.Шишкану (2008), Л.Физер (1986), Г.А.Карповалар (2008) томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланган.

Ўзбекистонда С.В.Лукьянова (2001), А.А.Тойчиев (2002), Д.Н.Далимов (2006, 2011), А.А. Ахунов (2012, 2015), Ҳ.Ҳ.Қўшиев (2009, 2015), томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам айрим қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиш ва ривожланишига физиологик фаол моддаларнинг таъсири тадқиқ қилинган. Лекин, бундай тадқиқотлар донли экинларда жуда кам амалга оширилган ва табиий ва синтетик физиологик фаол моддаларни ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишидаги аҳамиятини аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳалигача ўз ечимини топганича йўқ. Олиб борилган тадқиқот натижаларида буғдойнинг ўсиш ва ривожланишида стероид табиатли бирикмалар таъсири етарли тарзда ёритилмаган. Шунингдек, буғдойнинг ҳосилдорлиги, ҳосил сифати, ниҳолларининг фотосинтетик жараёнларида ушбу бирикмаларнинг физиологик аҳамияти ноаниқлигича қолмоқда. Шунга кўра, стероид табиатли бирикмаларни буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳамда илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг олий таълим муассасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти

Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ИТД-10-015 «Маҳаллий хом ашёдан буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этувчи препарат яратиш» мавзусидаги (2009-2011), амалий лойиҳаҳамда Гулистон давлат университети базасидаги «Экспериментал биология» лабораториясининг «Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига биотик ва абиотик омиллар таъсирини тадқиқ қилиш» мавзусида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** стероид табиатли бирикмаларни буғдойнинг ўсиш ва ривожланишига таъсирини ҳамда уларнинг стимуляторлик хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

стероид табиатли бирикмаларни буғдойнинг ўсиш ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

стероид табиатли физиологик фаол бирикмаларни буғдойнинг ўсиш ва ривожланиш босқичларида қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш;

тадқиқот учун танланган препаратларни стимуляторлик хусусиятларини аниқлаш;

стимуляторлик хусусиятига эга препаратларни хлорофилл миқдори ва ҳосилдорликка таъсирини тадқиқ қилиш;

стероид табиатли бирикмаларнинг буғдойнинг ўсиш-ривожланишига самарали таъсир этувчи комплекслари асосида композициялар яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида буғдойнинг Дўстлик, Чиллаки, Восторг, Таня, Боёвут-1 навлари, Учқун ва Реткил препаратлари ҳамда глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Учқун, Реткил препаратлари ва глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузини буғдойнинг ўсиш-ривожланишига таъсирини тадқиқ қилиш ваулар орасидан самарали таъсир этувчи стимуляторларни аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида биокимё, биоорганик кимё, ўсимликлар физиологиясининг умум қабул қилинган тадқиқот методлари, ўсимликлар биотехнологияси усуллари ҳамда Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услубий кўрсатмаси (1999), Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (2007) ва ВИР(1979) усулларида фойдаланилди. Кузги буғдой навлари миқдорий белгиларини статистик таҳлил қилишда SPSS-14 дастуридан фойдаланилди. Дон таркибидаги микроэлементлар миқдори индуктив боғланган плазмали (ИСП) оптик эмиссион спектроскопия (ОЭС) усули асосида (Perkin-Elmer Optima-2100 DV) аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Учқун препарати ва глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузини буғдойнинг ривожланишига ижобий таъсир этиш хусусияти аниқланган;

препаратлар билан буғдой донлари экишдан олдин ишлов берилганда ҳамда вегетатив боскичларида сепилганда ўсимлик баргларининг йириклашиши, хлорофилл микдорининг кўпайиши аниқланган;

ГКМАТ ва ТГК буғдойнинг ривожланишини авжлантирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи препаратлар сифатида қайд этилган ҳамда улар асосида самарали таъсир этувчи ТГК:ГКМАТ композицияси яратилган;

ТГК:ГКМАТ композициясини буғдой ниҳолларининг вегетатив ривожланиш боскичида қўллаш асосида хлорофилл микдори ва ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий биокимёвий ва биотехнологик тадқиқот усуллари қўлланганлиги, тадқиқот натижалари назарий маълумотларга мос келиши билан тасдиқланади. Кузги буғдой навлари микдорий кўрсаткичларини статистик таҳлил қилишда SPSS-14 дастуридан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг исботи соҳа мутахассисларининг эксперт сифатида берган баҳолари ва тадқиқот натижаларининг амалий намоёиш этилиши ҳамда республика ва халқаро миқёсда ўтказилган анжуманлардаги муҳокамаси, рецензияланган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, буғдой ниҳолларига стероид табиатли препаратларнинг таъсирини фитогормонларга нисбатан қиёсий ўрганиш ўсимликларда кечадиган физиологик жараёнларни молекуляр механизмларини тадқиқ қилишда муҳимдир. Олинган тадқиқот натижалари буғдойнинг ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда ўсиш-ривожланишини стероид табиатли бирикмалар ёрдамида бошқаришнинг илмий асосларини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, стероид табиатли бирикмаларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши билан боғлиқ маълумотлар ушбу йўналишда янги авлод препаратларини яратилишига асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотлар асосида стероид табиатли бирикмаларни буғдой ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига ижобий таъсири аниқланган. Бу бирикмалардан қишлоқ хўжалигида буғдойнинг ҳосили ва дони сифатини оширишда экологик зарарсиз препаратлар сифатида фойдаланиш амалий аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Буғдойнинг ўсиш-ривожланишига стероид табиатли бирикмалар таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

донда оқсил ва клейковина микдорини оширувчи хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалардан Ф-5-06 рақамли «Баъзи бир биорегуляторларнинг таъсир механизмини ўрганиш» мавзусида бажарилган илмий лойиҳада (2015-2017) ўсиш жараёнида биорегуляторларнинг таъсир механизмини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 89-03-890-сон маълумотномаси).



Натижада табиий биорегуляторларнинг ўсимликлар организмга таъсир механизмларини аниқлаш имконини берган;

стероид табиатли бирикмаларни шўрланиш шароитида фитогормонларнинг миқдорини ошириши бўйича олинган натижалардан ИТД-9-26 «Шўрланган тупроқ шароитида донли экинларнинг ўсиши, ривожланишини авжлантирувчи ва патогенларига самарали таъсир этувчи препаратлар яратиш» мавзусида бажарилган амалий лойиҳада *in vitro* шароитида вегетатив тўқималарини ҳосил бўлишида табиий стимуляторнинг таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 89-03-890-сон маълумотномаси). Натижада глицирризин кислотаси тузларини стимуляторлик хусусиятларини таҳлил қилиш ва физиологик фаол моддаларни ўсимлик организмга ижобий таъсирини аниқлаш имконини берган;

стероид табиатли бирикмалар таъсирида буғдой ниҳолларини тупроқдан микроэлементларни олиш имкониятини ошириш бўйича олинган натижалардан ЕФ5-ОТ-0-142 «Кузги буғдойнинг шўрга чидамлилиқ хусусиятларини ўрганиш ва шўрланган тупроқ шароитида иммун системасини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусида бажарилган фундаментал лойиҳада (2014-2015) буғдойнинг шўрланган тупроқ шароитида иммун тизимини юзага келишининг молекуляр механизмларини очиқ беришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 89-03-890-сон маълумотномаси). Натижада буғдойнинг иммун тизими фаоллигини оширишда физиологик фаол моддаларнинг таъсир механизминини аниқлаш имконини берган;

техник глицирризин кислота ва глицирризин кислотанинг моноаммонийли тузи асосида тайёрланган препарат Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Сирдарё тажриба станциясида, Гулистон давлат университетига қаршли тажриба хўжалигида ҳамда Боёвут туманидаги фермер хўжаликларда амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалиги Вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 02/021-238 рақамли маълумотномаси). Натижада буғдой ҳосилдорлигини гектарига 4,8 центнерга, буғдой дони клейковинасини эса 3,8% га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 18 та Республика миқёсидаги илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация тадқиқоқотлари натижалари бўйича чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини физиологик фаол моддалар ёрдамида бошқариш имкониятлари**» деб номланган биринчи бобида ўсимликларни ўсиш ривожланишини физиологик фаол моддалар ёрдамида идора этишга тааллуқли илмий маълумотлар ёритилган. Ўсимликларнинг онтогенетик ривожланиш босқичида тўқималарида ҳосил бўлиб, ўсиш-ривожланишини бошқаришда иштирок этадиган барча органик моддалар табиий физиологик, эндоген ёки фитогормонлар ва уларнинг таъсир этиш механизмлари ҳақидаги маълумотлар; ўсимликларнинг ўсиш-ривожланишини ташқи томондан бошқаришда иштирок этадиган синтетик ёки экзоген бирикмалар; синтетик ёки экзоген регуляторларнинг ўзига хос специфик таъсир этиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти, шароити ва буғдойни ўсиш-ривожланишига стероид табиатли бирикмалар таъсирини аниқлаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотлар давомида жалб қилинган объектлар, тадқиқот олиб борилган шароитлар, фойдаланилган усуллар, хусусан биоорганик кимё (буғдой донлари таркибининг сифат таҳлили, физиологик фаол моддаларнинг таъсир этиш хусусиятлари), биотехнологик (буғдой каллусларини олиш) усулларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг учинчи «**Буғдойнинг ўсиш-ривожланишига стероидтабиатли бирикмалар таъсири**» бобида тадқиқотларга жалб қилинган буғдой навларининг ўсиш ва ривожланишига стероид табиатли бирикмаларнинг таъсири натижалари баён қилинган. Тадқиқотлар давомида ГКМАТ, ТГК ва ГКМАТ композицияси, Учқун, Реткил препаратларининг турли шароитда буғдойни унувчанлиги ва ўсиш-ривожланишига таъсири таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар давомида NaClнинг 1%ли муҳитда препаратлар таъсирида назоратга нисбатан 16% энг юқори унувчанлик Учқун препарати таъсирида, кичик фарқ Реткил препарати таъсирида қайд этилди. ТГК ва ГКМАТ композицияси (ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$  М) таъсирида эса Чиллаки навида 10%, Дўстлик навида 12%, Восторг навида 11%, Таня навида 11%, Боёвут-1 навида 10% унувчанлик ошган. Учқун препаратининг 0,01%ли эритмаси

билан ишлов берилган донларда унувчанлик назоратга нисбатан Чиллаки навида 9%, Дўстлик навида 12%, Восторг, Таня ва Боёвут-1 навларида 10% га ортган. ГКМАТнинг  $10^{-6}$ М ли концентрациясини буғдой донларининг унувчанлигига ижобий таъсири кузатилди. Бунда унувчанлик назоратга нисбатан Чиллаки навида 8%, Дўстлик навида 11%, Восторг ва Таня навларида 9%, Боёвут-1 навида 10% га ошган. Барча препаратларнинг юқори концентрацияли эритмалари назоратга нисбатан дон унувчанлигини пасайтириб юборган. Олинган натижаларга асосланиб, кейинги босқичдаги тадқиқотларда Учқун ва Реткил препаратларининг 0,01%ли эритмасидан, ГКМАТ нинг  $10^{-6}$ М ли концентрациясидан фойдаланилган.

NaCl тузининг концентрацияси 2% бўлган муҳитда препаратлар билан дониغا ишлов берилганда, Боёвут навида унувчанлик назоратга нисбатан 6-7% юқори кўрсаткич кузатилди. Реткил препаратида, назоратга нисбатан фарқ 5-7%ни ташкил этди.ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М) таъсирида эса назоратга нисбатан Чиллаки навида 8%, Дўстлик ва Восторг навларида 10%, Таня навида 8%га унувчанлик ошган. Учқун препаратининг 0,01% ли эритмаси билан ишлов берилган донларда унувчанлик назоратга нисбатан Чиллаки ва Таня навларида 8%, Дўстлик ва Восторг навларида 9% га ошган. ГКМАТнинг  $10^{-6}$  М концентрациясини буғдой донларининг унувчанлигига ижобий таъсири кузатилди. Бунда унувчанлик назоратга нисбатан Чиллаки навида 7%, Дўстлик навида 9%, Восторг навида 10% ва Таня навида 8% га ошган. Олинган натижаларни таҳлил қилиб, препаратларнинг таъсири уларнинг структураси ва таъсир механизми ҳамда ҳар қайси навнинг биологик хусусиятларига ҳам боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Олинган натижаларга асосланиб, Учқун ва Реткил препаратларининг 0,01%ли эритмасидан, ГКМАТ нинг  $10^{-6}$ М концентрациясидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Стероид табиатли бирикмаларни буғдойнинг ташқи стресс омилларга чидамлилига таъсири**» деб номланган 4 бобида тадқиқотларга жалб қилинган препаратларни буғдой ниҳолларининг ер устки биомассасига таъсири тадқиқ қилиш натижалари баён қилинган.

Препаратларни буғдойнинг ўсиш-ривожланишига таъсири лаборатория ва дала шароитида ўрганилди. ГКМАТ эритмасининг турли хил концентрациялари билан буғдойнинг уруғига экишдан олдин ишлов берилганда буғдой ниҳолларининг ўсиш ва ривожланишида назоратга нисбатан ижобий натижалар кузатилди: назоратга нисбатан 1.3 та кўшимча ҳосилдор поя, ҳосилдорликнинг назоратга нисбатан гектарига 3-5 центнер юқорилиги каби биологик белгилар шулар жумласидандир. Шунга асосан, ГКМАТ дан буғдойнинг танланган навларини ўсиш ва ривожланиши ҳамда ташқи омиллар таъсирини бошқариш бўйича олиб борилган тадқиқотлар давомида фойдаланилди. Бунда ТГК(0,5%):ГК-МАТ( $10^{-6}$  М)ни буғдойнинг ўсиш ва ривожланишига таъсири аниқланди.

ГКМАТ ва ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М)нинг буғдой ниҳоллари биомассасига таъсири кўрсаткичлари солиштирилди. ГКМАТнинг  $10^{-6}$ М эритмаси билан дони экишдан олдин ишлов бериб, ниҳолларнинг

фенологик фазасида пуркалганда ер устки биомассаси назоратдан 1,3-1,5 марта паст,  $10^{-7}$ М концентрациясида фарқ кам,  $10^{-5}$ Мли эритмасида эса назоратга нисбатан паст кўрсаткични кўрсатди. ТГКнинг 1%ли эритмасида деярли яқин, 0,5%ли эритмасида эса 1,3-1,5 марта юқори, ТГК(0,5%):ГКМАТ ( $10^{-6}$ М) концентрацияси билан ишлов берилганда эса 1,5-1,6 марта юқори кўрсаткични берди.

#### 1-жадвал

#### ТГК (0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М)нинг буғдойда фотосинтез жараёнини ошириш кўрсаткичлари

Вариант	Фотосинтез маҳсулдорлиги, г/м <sup>2</sup>		Фотосинтез маҳсулдорлиги, г/м <sup>2</sup> , тўлиқ пишиш
	найчалаш фазаси	сут пишиш фазаси	
Назорат	2,7±0,9	12,0±0,5	11,3±0,4
ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М)	3,7±0,9	17,3±0,4	16,3±0,4

Маълумки, ўсимликда ҳосил бўладиган органик модда миқдорининг 95%и фотосинтез маҳсулдорлигига боғлиқ. ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$  М) нинг буғдой баргларида фотосинтез жараёнини ошириши билан боғлиқ натижалар 1-жадвалда келтирилган.

ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М) билан ишлов берилганда фотосинтез маҳсулоти билан бирга ўсимликка берилган озиқа донга қуйилиш кўрсаткичи ортиши билан ижобий кўрсаткичлар олинган.

#### **In vitro ўстиришда буғдойнинг каллусогенез жараёнига глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузини таъсири**

Каллусогенез жараёнининг индукцияси учун ўсиш регуляторлари сифатида қуйидаги фитогормонлар: кинетин, 2.4.Д, 6-бензиламинопуриин (БАП), зеатин,  $\alpha$ -нафитилсирка кислотаси (НСК) – 0,1 мг/л -дан 1,0 мг/л -гача бўлган концентрацияларда, гиббереллин 0,1 дан то 100 мг/л –гача ҳамда глицирризин кислотасининг 0,1 дан 0,5 мг/л гача бўлган концентрациялари қўлланилди. Ўтказилган тадқиқот натижасида барча ўрганилган генотипларнинг фитогормонларга турлича таъсирчанлик кўрсаткичлари аниқланилди (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, таркибида кинетин бўлган муҳитда каллусогенез шаклланиши фақат 0,1% шўрланган муҳитда Дўстлик ва Восторг навлари учун характерлидир. Каллусогенез жараёни ўз таркибида НСК билан БАП бўлган ҳолатда кузатилмади. Зеатин ва НСК билан бирикмадаги БАПни, шунингдек 2.4 Д киритган муҳитлар энг мақбул эканлиги аниқланган. Айниқса, таркибида 2.4.Д– 0,1 мг/л НСК–0,1мг/л тутган эритмада Дўстлик навида 0,5% ли шўрланган муҳитда каллусогенез ҳосил бўлганини кўриш мумкин.

**Турли ўсиш регуляторларининг генотип ва эксплантга боғланган ҳолда каллусогенез жараёнини индукция қилинишига таъсири (ўстиришнинг 20-чи кунига)**

Ўстириш учун муҳитнинг гормонал таркиби	Каллуснинг ҳосил бўлиши					
	Дўстлик			Восторг		
	NaCl 0,1 %	Na Cl 0,5 %	NaCl 1 %	NaCl 0,1 %	NaCl 0,5 %	NaCl 1%
Кин – 0,1 мг/л НСК – 0,1 мг/л	Каллусогенез	-	-	Каллусогенез	-	-
Кин – 0,2 мг/л НСК – 1,0 мг/л	Каллусогенез	-	-	Каллусогенез	-	-
2.4Д– 0,1 мг/л НСК – 0,1 мг/л	Каллусогенез	Каллусогенез	-	Каллусогенез	-	-
Зеатин – 0,1 мг/л БАП – 0,1 мг/л НСК – 0,1 мг/л	Каллусогенез	-	-	Каллусогенез	-	-
Зеатин – 0,1 мг/л БАП – 0,1 мг/л НСК – 0,5 мг/л	Каллусогенез	-	-	Каллусогенез	-	-
ГКМАТ–0,1мг/л Кин – 0,1 мг/л НСК – 0,1 мг/л	Каллусогенез	Каллусогенез	-	Каллусогенез	Каллусогенез	-

Бунда барча генотипларда ва эксплантларнинг барча турларида каллусогенез жараёнини индукция қилишга эришилган. Бироқ, каллус тўқимасининг тузилмаси бўйича, ҳамда бу жараён индукциясининг интенсивлиги бўйича 2.4.Д–0,1мг/л, БАП–0,1 мг/л ва НСК–0,5 мг/л таркибдаги бирикма энг оптимал эканлиги аниқланди. Бундай бирикмадаги айнан НСК нинг юқори концентрацияси бу жараённинг каттарок интенсивлигини шартлаб бериши маълум бўлди.

Каллус тўқимасининг тузилмаси ҳамда бу жараён индукциясининг интенсивлиги, айниқса Кинетин– 0,1 мг/л ва НСК – 0,1 мг/л га эга бўлган эритмага 0,1мг/мл концентрацияли ГКнинг моноаммонийли тузи қўшилган муҳитда ижобий кўрсаткични берган. NaClнинг 0,1 ва 0,5%ли озикали муҳитда ҳам ҳар иккала буғдой нави муртагидан каллусогенез жараёни интенсивлиги оптимал кўрсаткични берган.

Таркибида кинетин бўлган муҳитда каллусогенезга қобилият фақат 0,5% шўрланган муҳитда Дўстлик ва Восторг навлари учун ҳам характерли эканлигини кўриш мумкин. Каллусогенез жараёнини индукция қилиш учун ўз таркибига Зеатин ва НСК билан бирикмадаги БАПни, шунингдек 2.4Д киритган муҳитлар энг мақбул эканлиги аниқланди. Айниқса, таркибида 2.4Д– 0,1 мг/л НСК – 0,1 мг/л тутган эритмада Дўстлик навида 0,5% ли шўрланган муҳитда каллусогенез ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Бу муҳитларда барча генотипларда ва эксплантларнинг барча турларида каллусогенез жараёнини индукция қилишга эришилди. Бироқ, каллус тўқимасининг тузилмаси бўйича ва бу жараён индукциясининг интенсивлиги

бўйича 2,4Д – 0,1 мг/л, БАП – 0,1 мг/л ва НСК – 0,5 мг/л таркибдаги бирикма ҳамда таркибида ГКМАТ–0,1мг/мл тутган кинетин – 0,1 мг/л ва НСК – 0,1 мг/л ли муҳитлар юқори кўрсаткични берди ва бу энг оптимал кўрсаткич эканлиги аниқланди. Бунда бирикмадаги айнан НСКнинг юқори концентрацияси бу жараённинг каттароқ интенсивлигини шартлаб бериши маълум бўлди. 1%ли шўрланган муҳитда вариантларнинг бирортасида ҳам каллус ҳосил бўлмади.

Буғдой донидан муртагини ажратиб олиб, уни Мурасиге ва Скуг озукаси муҳитида ўстирилди. Озуқа муҳитида 0,1-0,5 мг/л БАП сақланишига эътибор берилди. 6-8 ҳафта мобайнида куртакларни тартибсиз йиғиндиси (конгломерати) ҳосил бўлди. Бу куртаклар ривожланишни ҳар хил босқичида бўлиб, бир-бирлари билан боғловчи тўқималар орқали боғланди. Уларни тагида эса янги адвентив ўсимталар чиқа бошлади (1-расм). Цитокинин гормони сақлаган озика муҳитида каллус тўқимаси ўсимталарини пролиферацияси (кўпайиш орқали янги хужайра ва тўқималарни ҳосил бўлиши) давом этди. Гормон сақламаган муҳитда эса 4-6 ҳафта давомида нормал ҳолатдаги илдиз ва барглиўсимлик ҳосил бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, каллусли культуралардан клонал микрокўпайтиришда фойдаланиш камроқ самара беради, чунки шу йўл билан тайёрланган экув материаллари (кўчатлар) донор –ўсимликка нисбатан генетик турғун (мустаҳкам) бўлмайди. Кўпинча, каллусли хужайраларни суюқ озука муҳитида ўстирилганда, соматик эмбриогенез келиб чиқади ва бу энг қийин операциялардан ҳисобланади. Биз аввал суюқ озикали муҳитда буғдойнинг муртагини петри чашкасида 5 кун ушлаб туриб, сўнгра агарли қаттиқ озикали муҳитда ўтказдик, бунда буғдойнинг муртагидан сариқ шишлар ўсиб чиқди (2-расм). Бу каллус тўқимасининг бошланиши бўлиб, илдиз чиқариши билан сариқ ўсимталарни шўрли озикали муҳитга ўтказдик.

Буғдой муртаги стерилланган муҳитда ўстирилган ўсимталаридан олинган тўқималар 2,4Д фитогормон кўшилган озикали муҳитдаги каллус тўқималари ҳолати билан ГКМАТда 1,1-1,8 марта юқори натижалар кузатилди.



**1-расм. Буғдой каллусини шаклланиши.**



**2-расм. Шаклланган буғдой каллуси.**



Олинган натижалардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, буғдойнинг экстремал шароитга мос бўлган линияларини олишда ва кейинчалик уни нав

сифатида шакллантиришда ушбу биотехнологик усуллардан фойдаланиш тез ва юқори самара беради.

### Шўрланган тупроқ шароитига буғдойнинг гормонал мослашиши

NaClнинг ҳар хил концентрацияли шароитда цитокинин, ИСК ва АБК гормонларини буғдойнинг бутун онтогенетик ривожланишида ўзгарувчанлик кўрсаткичлари комплекс тарзда ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, NaClли шўрланиш буғдойнинг онтогенетик ривожланиш босқичларида гормонлар баланси ўзгариб борар экан: цитокининлар ва ауксинлар миқдори камайиб борди, АБК миқдори эса ортди. Гормонал балансининг ўзгариши нафақат стресс омилнинг таъсири, балки ўсимликнинг мослашиш ҳолатини ҳам ифодалайди. Тадқиқотлар натижалари гормонал баланс ва физиологик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, олинган маълумотлар буғдойни бутун онтогенетик ривожланиш босқичларида гормонал балансини буғдойни ўсиш ва ривожланиш жадаллиги билан солиштириш имконини берди. Буғдойнинг бутун вегетацион даврида зеатин, ауксин ва цитокинин+ИСК/АБК нисбати бошоқлаш ва гуллаш фазасигача бир хилда максимал тарзда ўзгариб борди (3-расм)..



#### А-циитокинин

#### Б-АБК

3-расм. Турли NaCl ли шўрланиш муҳитида гормонларнинг ҳосил бўлиш миқдори (нг/г қуруқ масса) (А-циитокинин, Б-АБК)

Вегетатив жараённинг биринчи босқичида цитокининлар миқдорининг ортиши илдиз тизими ҳажмининг ортиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. АБК миқдори буғдойнинг бутун онтогенетик ривожланиш босқичларида ортиб борди (3-расм). Вегетациянинг биринчи босқичида зеатин ва ИСК миқдорининг ортиши билан ўсиш жараёни тезлашиб боради. Вегетатив жараённинг иккинчи босқичида ўсишни авжлантирувчи гормонлар миқдорининг камайиши ва АБК миқдорининг ортиши билан буғдой ниҳоллари органларининг ўсиш авжи кескин камаяди. Бу ҳолат АБК миқдорининг ортиши ниҳолларни қариши ва тиним даврига ўтишига сабаб бўлар экан.

NaCl эритмасининг таъсир эттирилиши гормонлар миқдорига сезиларли даражада таъсир этди ва бу буғдойнинг ўсиш тезлигини пасайишига сабаб бўлди. Айниқса, бу ҳолат NaCl эритмасининг юқори концентрацияда (3%) таъсир эттирилишида ёрқин намоён бўлди. Ушбу вариантдаги ўсимлик ниҳолларида зеатин, ИСК миқдорининг пасайиши ва АБК миқдорининг пасайиши кузатилди (3-расм).

6-БАП ва АБК гормонларининг оптимал шароитда специфик таъсири ва шўрланиш даражасининг таъсири бўйича аниқ хулоса чиқариш мақсадида фитогормонлар фаоллиги ва миқдори динамикаси таҳлил қилинди.

6-БАП билан ишлов берилган муҳитда NaCl таъсир эттирилган шароитда ҳам NaCl сиз муҳитдаги каби ўсишини авжлантирувчи гормонлар (citoкинин ва ауксинлар) ва АБК миқдори citoкинин+ИСК/АБК га нисбатан ортди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Хар хил даражада шўрланган шароитда 6-БАП ва ГКМАТ:ТГК билан ишлов берилган буғдой ниҳолларида фитогормонлар миқдорининг ўзгариши (гуллаш фазаси), нг/г куруқ массага нисбатан

Вариант	Цитокинин		ИСК		АБК		Цитокинин +ИСК/АБК
		%		%		%	
Назорат	295,8±2,7	100	236,6±2,3	100	273,5±2,3	100	1,9
Назорат+БАП	325,7±3,1	110	288,9±3,4	122	255,6±2,6	98	2,4
Назорат+ ТГК: ГКМАТ	331,1±2,6	113	301,1±3,7	128	268,3±3,1	101	2,3
1%NaCl	275,3±2,8	93	164,3±2,8	69	312,4±1,7	114	1,4
1% NaCl+6-БАП	305,5±3,7	103	245,5±3,0	103	297,6±3,1	109	1,8
1%NaCl+ ТГК: ГКМАТ	306,3±2,4	104	244,4±3,1	103	259,5±2,8	95	2,1
1,5%NaCl	256,7±3,6	87	110,1±1,9	47	356,7±2,7	130	1,0
1,5%NaCl+6-БАП	285,5±2,2	97	156,7±2,6	66	365,6±3,4	134	1,2
1,5%NaCl+ ТГК: ГКМАТ	301,3±2,8	102	155,9±3,1	66	371,1±3,1	136	1,2
2%NaCl	230,3±3,3	78	87,8±3,6	37	368,4±3,7	135	0,8
2%NaCl+6-БАП	250,3±4,1	85	134,6±3,1	57	382,3±2,1	140	1,0
2%NaCl+ ТГК: ГКМАТ	253,1±2,2	86	151,6±2,7	65	394,5±3,1	144	1,0

Шу билан бир қаторда глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи буғдойдаги фитогормонлар мувозанатини кўзғалиши, унга боғлиқ параллел АБК ва ИСК тўпланишига сабаб бўлди, бу эса буғдой учун қулай омил бўлиб хизмат қилди. Глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи ривожланишни стимулловчи таъсири унинг ИСКнинг таъсир этиш миқдори билан боғлиқ бўлиб, каллус хужайраларининг ўлчамлари ва митотик фаоллиги назоратдагиларга нисбатан кучайишида намоён бўлди.

Буғдой каллуслари ва ниҳолларида олиб борилган тажрибалар глицирризин кислотанинг моноаммонийли тузи индуцирловчи фаолликка эга эканлигини кўрсатди



Диссертациянинг «Стероид табиатли бирикмаларни буғдойнинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири» деб номланган 5 бобида ҳар хил шароитда буғдойнинг ҳосилдорлиги ва дони сифатига тадқиқоқтларга жалб қилинган стероид табиатли бирикмаларнинг таъсир кўрсаткичларини таҳлил қилиш бўйича олинган натижалар баён қилинган.

Олинган натижалар таҳлиliga кўра кучсиз шўрланган тупроқ шароитида ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М)ни дон сифати белгиларига ижобий таъсир кўрсаткичлари аниқланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Шўрланган тупроқ шароитида стероид табиатли бирикмаларни буғдой дони сифатига таъсири

Вариантлар	Дон натураси, г		Шаффофлиги, %		1000 та дон оғирлиги, г		Клейковина миқдори, %	
	1*	2*	1*	2*	1*	2*	1*	2*
1	2	3	4	5	6	7	8	9
<b>Чиллаки нави</b>								
Назорат	718±2	714±5	72	69	40,5±0,7	40,2±1,6	21,0±1,3	20,1±1,7
Учкун 0,01 %	740±4	745±2	80	75	43,9±0,6	43,7±1,5	23,4±1,1	22,2±1,8
Реткил 0,01 %	728±3	720±5	74	76	42,7±0,7	41,8±2,5	21,3±1,3	21,3±1,6
ГКМАТ $10^{-6}$ М	752±2	742±2	81	74	44,1±0,5	43,6±1,3	23,3±0,9	22,2±1,8
ТГК(0,5%): ГКМАТ( $10^{-6}$ М)	754±3	750±4	83	78	45,3±1,0	43,9±1,5	24,8±0,8	23,9±2,4
<b>Дўстлик нави</b>								
Назорат	724±3	718±2	74	72	40,4±1,2	39,0±1,9	23,3±1,3	22,0±2,1
Учкун 0,01 %	738±3	722±2	85	84	44,5±0,8	42,5±1,2	25,8±1,3	24,0±1,8
Реткил 0,01 %	736±2	727±4	81	80	42,9±0,8	40,1±1,6	24,3±1,1	21,3±1,7
ГКМАТ $10^{-6}$ М	742±2	731±3	84	83	44,7±1,1	42,3±1,8	25,5±1,1	24,0±2,3
ТГК(0,5%): ГКМАТ( $10^{-6}$ М)	747±4	747±5	86	84	45,7±0,9	43,6±1,5	26,3±0,3	24,8±1,3
<b>Восторг нави</b>								
Назорат	734±4	722±4	81	80	43,4 ±1,1	43,0 ±1,3	24,8±1,0	23,4±1,7
Учкун 0,01 %	745±4	734±3	86	84	46,5±1,2	45,2±1,2	25,8±0,7	24,1±1,6
Реткил 0,01 %	746±3	737±3	86	84	45,1±1,3	44,0±1,6	24,9±0,8	23,6±2,3
ГКМАТ $10^{-6}$ М	750±2	740±4	87	84	46,3±1,3	45,0±1,1	25,9±0,9	24,4±2,2
ТГК(0,5%): ГКМАТ( $10^{-6}$ М)	751±2	743±2	88	85	47,3±1,1	46,0±1,4	25,9±0,9	24,8±2,2

Изоҳ: 1\*-кучсиз шўрланган, 2\*-ўртача шўрланган

Дон натураси ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М) таъсирида назоратга нисбатан Чиллакида 36 г, Дўстликда 14 г, Восторг 11 г, Таняда 56 г, 1000 дона дон оғирлиги эса Чиллакида 4,8 гр, Дўстликда 5,3 гр, Восторгда 3,9 гр, Таняда 3,1 гр, Боёвут-1 да 3,6 гр га ошган.

Кучсиз шўрланган тупроқ шароитида ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М) таъсирида ижобий кўрсаткич кузатилди. Назоратга нисбатан Чиллаки навида 9%, Дўстлик навида 12%, Восторг навида 4,8%, Таня навида 3,1%, Боёвут-1 навида 7,2% га дон шаффофлиги ортган. Бу кўрсаткичлар буғдойни ташқи

омиллар таъсирига чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.


Буғдойнинг уруғлик дони экишдан олдин ТГК(0,5%):ГКМАТ( $10^{-6}$ М) билан ишлов бериб экилганда унинг унувчанлик даражаси 85-90%ни ташкил этиш билан бирга ниҳолларнинг тупланиш сонидан ҳам назоратга нисбатан 1,3-1,5 марта устунлик қайд этилди. Бунда ҳосилдор поялар сонидан ҳам назоратдагидан устунлик кузатилди. Бу ҳосилдорликни ортишига олиб келди. ТГК(0,5%):ГКМАТ ( $10^{-6}$ М) билан ишлов берилган вариантда маҳсулдор поялар сони барча навларда 1,2-1,3 марта ортди. Бу вариантларда бошоқдаги дон массаси  $1 \text{ м}^2$ да нисбатан юқори бўлди. Олинган натижалар асосида стероид табиатли бирикмалар шўрланган тупроқ шароитида кузги буғдой навлари ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиб ҳосилдорликни гектарига ўртача 4-5,5 центнерга кўпайтириши аниқланди.

